



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2010 йил 13 АВГУСТ, ЖУМА

XXI аср Садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Андижон шаҳрида футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бугун матбуотда эълон қилинди.

• Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қўшма мажлисида «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама этилди.

• Истиклолимизнинг 19 йиллиги арафасида «Навоий» халқаро аэропортида интермодал логистика маркази инфра-тузилмасига қирадиган юк терминалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Юк терминалининг ишга туширилиши «Korean Air» авиакомпанияси иштирокида «Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро интермодал логистика марказини ташкил қилиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш борасидаги навбатдаги босқичдир.

• Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида кеча Халқаро ёшлар кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Аҳолишунослик бўйича жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга турли кўрик-танловлар ҳамда лойиҳаларда голиб бўлган ёшлар, талабалар таклиф этилди.

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ Кундалик газетаси № 157 (11.718) Баҳоси эркин нархда



**Мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун яратилган имкониятлар боис жалб этилган сармоялардан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, халқаро талабларга мос маҳсулотлар тайёрлаш йўлида оқилона фойдаланаётган жамоалар сафида «Lok Kolor Sintes» Ўзбекистон—Нидерландия—Британия қўшма корхонасини алоҳида таъкидлаш лозимки, айни кунда эришилаётган ютуқлар ва келгуси режалар сый-ҳаракати бундан эркин далолатдир.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### Ислохотлар оқимида БУЮРТМАЧИЛАР САФИ ОРТМОҚДА

Корхонада илгор хорижий технологияларни қўллаган ҳолда йилдан йилга рақобатбардор маҳсулотлар тури ортомқда, уларга бўлган талаб нафақат юртимизда, балки қўшни давлатларда ҳам юқори. Шу ўринда айтиш жоизки, ишлаб чиқаришда эришган юқори сифати ва илгор технологияларни қўллашдаги муваффақияти боис корхона «олтин» ва «платина» тоифасидаги халқаро сифат мукофоти ва SPнинг олтин медали билан тақдирланган.

Ун беш йилдан буён фаолият кўрсатаётган қўшма корхонанинг ўтган йиллардаги меҳнат жараёнини тадбиркорлик билан иш юритишнинг самараси десак, муболага бўлмайди. Ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораётгани, иш ўринлари ҳам деярли 10 баробар кўпайиб, бугунги кунда 450 нафарга яқин ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётгани, юқори унумли технология ускуналар ўрнатилгани бунни тасдиқлаб турибди. (Давоми 2-бетда).

**Эркин ва озод, фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли бўлган истиқлолимизни энг буюк, энг азиз қадрият билиш, ёш авлод қалбида она-юрт тупроғини кўзга тўтиб қилиб яшаш, Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик туйғусини юксалтириш ҳаётимизнинг асосий маъно-мазмунига айланди.**

### «Ягонасан, муқаддас Ватан!»

### ОНА ВАТАН МАДҲИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида юксак бадий савияда, кўтаринки руҳда ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловида бу жихатлар яна бир қарра ўзининг эркин ифодасини топмоқда.

12 август кун пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ушбу ижодий беллашувнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, турли вазирилик ва идоралар, ижодий ташкилотлар тизимида ўтказилган босқичи голиблари, профессионал санъаткорлар, ёш ижрочилар, ҳаваскор бадий жамоалар иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар халқимиз фаровонлигини янада ошириш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларни жадал равишда тиклаш, Ватанимизнинг ҳақон ҳамжамиятидаги обрўси ва нуфузини тобора юксалтиришда муҳим омили бўлаётган.

Тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида халқаро миқёсда эътироф этилаётган эзгу сый-ҳаракатлар жараёнида халқимиз, айниқса ёшларни соғлом тафаккур, юксак маънавият соҳиблари этиб тарбиялаш, уларни ҳеч қимдан кам бўлмаган, баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, қалби ва онига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, фидойилик, юрт тақдири учун дахлдорлик туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори она юртимиз, жонажон Ўзбекистонимизга бўлган меҳримизни изҳор қилиш, табаррук диёримиз мадҳини юксак пардаларда тараннум этиш, нажирон авлодни ватанпарварлик руҳида вояга етказиш, мазмунан теран, бадий жихатдан юксак мусикий асарлар яратишни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. (Давоми 2-бетда).

**12 август кун И Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.**

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қўнун лойиҳасини учинчи ўқишда тақдим этди. Қўнун лойиҳасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Бу соҳада махсус қўнун қабул қилиниши ўсиб келаётган авлод ўртасида тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янги даражага кўтариш имконини беради. Бундай қўнун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши бугунги кунда мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя этилишига алоҳида эътибор берилаётганлигини яна бир бор исботлайди. Мазкур қўнун лойиҳасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тизимидаги органлар ва муассасалар кўрсатилган, улар фаолиятининг асосий вазифалари, принциплари ва йўналишлари, ижтимоий жихатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ҳамда оила билан олиб бориладиган яқна тартибдаги профилактика ишларининг асослари ва уни ташкил этиш тартиби, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик жихатдан реабилитация қилиш тартиби, бошқа нормалар белгиланган. (Давоми 2-бетда).

### Умумхалқ ҳашари ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН

**14-15 август кунлари республикамизда энг улғу, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида умумхалқ ҳашари ўтказилади.**

Дарҳақиқат, мамлакатимизда катта байрамга тарадуд қўрилмоқда. Давлатимиз мустақиллигининг 19 йиллигини тантанавор нишонлаш арафасида.

Тарих учун бу қисқа вақт ичида эришилган мислсиз ютуқларни бирданига кўз олиб олиши қийин. Шундай бўлсада, биргина азим шаҳримиз мисолида халқимизнинг шахдам қадам ташлаб буюк келажак сари интилиб бораётганини кузатишимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар ичида барча соҳада катта тажриба ортирилди. Энг муҳими, мустақиллик бизга миллий қадриятларимизни тиклашга имконият яратди. Шу билан бирга ҳаётимизга чуқур маъно ва мазмунга эга, халқимизни бунёдкорлик, яратувчанликка ундовчи янги-янги аъёнлар ҳам кириб бораётди.

Ҳашар мустақиллик йилларида янги шаклга эга бўлиб, умумхалқ ҳаракатига айланди, бироқ мазмун жихатдан ота-боболаримизга

хос бўлган саховатпешалик, мурувват, ҳамжихатликка йўрилган аъёнларни давом этиб келаётди. Икки кун давом этадиган ҳашар тадбирида бу олижаноб инсоний фазилатлар халқимиз кайфиятида яна бир бор яққол намоён бўлади. Ҳашар маҳаллаларда бошланиб, сўнг туман, шаҳарлар миқёсига кўчди ва бутун республикамиз озода ва обод бўлишига хизмат қилади.

Аъёнага кўра, икки кун давомида хайрия акцияларига алоҳида эътибор қаратилиб, ёлғиз қариялар, жисмоний имконияти чекланган кишиларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилади.

Умумхалқ ҳашари бўйича асосий мувофиқлаштириш ишлари республика, вилоят, шаҳар ва туманлар миқёсига «Маҳалла» жамғармаси томонидан олиб борилади. Икки кун давомида эрта тонгдан то кечгача жойларда амалга оширилаётган ишларни сарҳисоб

қилувчи махсус ишчи гуруҳи фаолият юритади. Бу борада пойтахт ҳашар гуруҳи ўз ишини аввалдан бошлаб, 233-02-46, 233-84-97, 236-79-01 телефонлари орқали хайрия ишларига оид барча ташкилий масалаларда кўмак беришга шайланган.

Ҳашар — халқимизнинг қадимий аъёниси. Азалдан шундай бўлиб келганки, ҳашар байрам кунлари, шунингдек, қалб даъвати билан қачонки муҳтожга ёрдам кўрсатиш зарур бўлса ёки уйлари, кўчаларимиз, маҳаллаларимизни обод қилишга шай бўлганимизда кенг тус олади. Халқимиз учун муқаддас бўлган Мустақиллик кунининг олдидан ўтказилаётган икки кунлик ҳашар, албатта, барча сый-ҳаракатларимизга кўтаринчилик бахш этиб, кўчаларимиз, маҳаллаларимиз, шаҳарларимиз, озодаларимизнинг янада обод ва гўзал бўлишига хизмат қилади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

### ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

**✓ БУГУН** Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан мамлакатимиз Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

**✓ ЮРТИМИЗ** Истиклолининг 19 йиллик айёми арафасида Учтепа туманида янги хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Яқин кунларда мажмуа қошида нон ва қандолат маҳсулотлари цехи ҳам аҳолига хизмат кўрсатишни бошлайди.

**✓ ТОШКЕНТ** кўприк ҳўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш, фойдаланиш давлат корхонасида «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шiori остида соҳа мутахассислари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Боёвут туманидаги Усмонобод қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи тадбиркор Ойсафар Бўрибоева ўз маблағи ҳисобидан аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган янги тикувчилик цехини ишга туширди. Айни вақтда 10 нафар хотин-қиз бу ерда бежирим либослар тикмоқда. Тадбиркор чевар цехда устоз-шоғирд курсини ҳам йўлга қўйди. У кўргондаги яна 10 нафар ёш қизга тикувчилик сирларини ўргатмоқда.

• Пахтаобод туманидаги «Обод ўлка саховати» хусусий корхонаси қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Корхона фаолияти кенгайиши ҳисобига қўшимча 15 та янги иш ўрни яратилди.

### ЖАҲОНДА

• Мутахассисларнинг фикрича, шу ҳафтада Панжоб ва Синг музофотларидаги дарёларнинг тошиши муносабати билан Покистондаги сув тошқинлари янада авжига чиқиши мумкин. Ҳозиргача сув тошқинлари натижасида 300 мингдан ортиқ уй-жойлар вайрон бўлди, 14 миллион киши шошилинч ёрдамга муҳтож. Кеча мамлакат президенти Асиф али Зардорий тошқинлардан жабрланган айрим ҳудудларни бориб кўрди.

• Кеча Польша президенти саройи олдида Смоленскда рўй берган авиация ҳалокатида ҳаётдан кўз юмган мамлакат президенти Лех Качински ва бошқа кишиларнинг хотирасига бағишланган ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

• Россияда рўй бераётган кенг қўламдаги ўрмон ёнғинларини бирмунча жиловлашга муваффақ бўлинди. Жумладан, ҳозирда мамлакатнинг 14 та минтақасида ёнғин давом этаётган бўлсада Воронеж, Владимир вилоятлари ва Мари Эл ўлкасида фавқулодда ҳолат режими бекор қилинди. Хорижлик ва россиялик мутахассислар ёнғин натижасида радиация фони ошмаганлигини айтишмоқда.

• Португалия миллий мудофаа хизматининг маълумотларига кўра ҳозирда, мамлакатда 17 та йирик ўрмон ёнғинлари давом этмоқда. Июль ойи охиридан буён бугунги кунгача Португалияда 18 минг гектардан ошқ ўрмонлар куйиб битди.

• Австрияда илк бор Марсда юришга мўлжалланган скафандр синовдан ўтказилди. Мазкур синов Австрия космик форуми томонидан Альп тоғларида ташкил этилди. Мутахассислар скафандр ёрдамида Марсда тадқиқот ишларини олиб боришга умид билдиришяпти.

• Тибетдаги экологик вазиятнинг оғирлиги муносабати билан Хитой маъмурлари ушбу минтақада пластик пакетлар ва бошқа шу каби нарсалардан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида қарор қилдилар. Янги қоидалар жорий йилнинг охиригача кучга қиради.





Коинот янгиликлари

ҚУЁШДАН 10 МИЛЛИОН МАРТА ЁРУҒРОҚ...

Бутун инсоният тарихида одамлар Коинотда пайқаган энг катта – тасаввурга сиймайдиган кўламдаги юлдузни британиялик астрономлар кашф этишди. Ўз ҳажмига кўра у Куёшдан 265 марта каттароқ ва айни пайтда ўн миллион марта ёруғроқдир, дея хабар беради Sky News.

Ақл бовар қилмайдиган ушбу кашфиёт ортда Шеффилд университети профессори Пол Кроутер бошлиқ гуруҳ тадқиқотчилари турибди. НАСАнинг Hubble фазовий телескопи ҳамда Европа жанубий обсерваториясининг кудратли ускуналари ёрдамида Куёш тизимига кўшни жойлашган Катта Магеллан Булутлари галактикасидаги гуҳ юлдузларни тадқиқ этаркан, улар «R136a1» сайёрасини топиди.

Олимлар тайёрлаган видеосюжет астрономия ишқибозларига юлдузлар ва сайёралар кўлами ҳақида тасаввур беради. Эндиликда биринчиликни янги топилган суперюлдузга топширган Катта Ит юлдузлар туркумидаги VY юлдузи шу қадар улканки, Ер учун одатий соатига 900 км тезлик билан учадиган самолёт учун унинг юзасидан парвоз қилиб ўтишига 1100 йилдан ортиқ вақт кетган бўларди. Унинг диаметри 2,8 миллиард километри ташкил этади.

Бироқ, эндиликда бу рекорд ҳам ортда қолиб қетди. Ҳозиргача олимлар юлдузларнинг энг улкан ҳажми Куёшдан 150 мартабагача каттароқ бўлади, деб тахмин қилишарди. Астрономлар ўзлари тадқиқ этган юлдузлар туркумида бир

йўла бу кўрсаткичдан анча каттароқ бир неча осмон ғиритчиларини аниқлашди. Лекин уларнинг бири – «R136a1» чинакам супергигант бўлиб чиқди.

Ҳаётлари давомида юлдузлар ўз массасини йўқотиб боришни эътиборга оладиган бўлсак, олимларнинг хулосаларига кўра, 1 миллион йил олдин пайдо бўлганидан бери ушбу улкан юлдуз ўз оғирлигининг бешдан бир қисmini йўқотган. Уша вақтда у қарийб 320 та Куёшга тенг катталиқда бўлган. «Бундай ҳодисаларнинг жуда ноёб эканлигини ҳисобга олганда, мазкур рекорддан ўзиб кетадиган юлдузни яқин келажақда учратишга умид қилиш қийин», - деди профессор Кроутер.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, уни бизнинг галактикамизда тасаввур этадиган бўлсак, Ойдан Куёш неча баробар ёруғроқ бўлса, у ҳам Куёшдан шунча марта ёруғроқ бўларди.

Олимлар олдинроқ ана бир қизиқ ҳодисани кашф этишганини қайд этиш ўринли. Жумладан, юлдузларнинг бири ўз сайёрасини ютиб бораётган экан. Hubble орбитал телескопидан олинган хабарлар ҳаммага маълум энг қайноқ экзосайёра – WASP-12b ни ҳақиқатан ҳам ўз юлдузи унинг атмосфераси юқори қатламларидаги моддани аста-секин «сўра бориб», ямлаб ютаётган эканлиги тўғрилигини исботлади. WASP-12b тахминан ўн миллион йил ичида бутунлай йўқ бўлиб кетади, деб ҳисоблашмоқда олимлар.

ОЙДАГИ МУЗЛИКЛАР

НАСАнинг Ойдаги Lunar Reconnaissance Orbiter зонди Mini-RF радары ёрдамида Ой шимолий кутби кратерларидан бирининг тубида сувдан ҳосил бўлган музликлар мавжудлигини аниқлади.

РИА Новости хабар қилишича, илгарилари мутлақо қурғоқчи ҳисоблаб келинган Ойда музлик ва сув мавжудлиги аломатларининг аниқланиши сўнгги икки йил ичидаги энг муҳим кашфиётлардан бири бўлди. Ҳиндистоннинг «Чандраян-1», Американинг LRO, LCROSS ва DeepImpact ва бошқалардан иборат бир йўла бир неча ускуналарнинг маълумотлари Ойда музликларнинг, шунингдек, қуёш шамоли таъсирида юзага келадиган гидроксил гуруҳларининг мавжудлигини кўрсатди.

Ҳиндистоннинг «Чандраян» зонди бортидаги Американинг Mini-SAR радаридан олинган маълумотлар Ой шимолий кутби ҳудудидаги кратерларда камида 600 миллион тонналик сувдан ҳосил бўладиган музликлар мавжуд бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Доимий сояда қолиб келган Рождественский кратерининг 177 километр тубидан олинган радар суратлари шу «заҳираларнинг бир қисmini «кўриш» имконини берган. Ундан келажақда Ойни ўзлаштириш ишларида фойдаланиш мумкин бўлади.

Музликларнинг эҳтимол тutilган қони сифатида ушбу кратерни биринчи бўлиб «Чандраян-1» пайқади. Бироқ, Mini-RF радары ундан ўн марта кучлироқ ҳисобланади. Бу ҳолат Ой юзаси хусусиятларига боғлиқ айланма кутбланиш қайтаридиган сигнал сатҳини юқори аниқлик билан ўлчаш имконини берди. Жумладан, кутбланишининг юқори даражаси муз қатламлари мавжудлигидан гувоҳлик бериши мумкин.

Яқиндагина олинган суратларда кратер тубидаги қизил нуқталарнинг катта миқдори яхши кўриниб турибди, уларда айланма кутбланиш коэффициентини 1,2 дан ортиқроқ. Айланма кутбланиш даражаси 1 дан ортиқ бўлган ҳолатлар табиатда камдан-кам учрайди. Бу ҳолат айнан музликлар қатламлари мавжудлигини аниқлатади. Олимлар Ойдаги музликлар «экспорт натижаси» бўлиши мумкин, деб ҳисоблашмоқда – уларни кометалар олиб келади. Баъзи кутбий кратерларнинг ҳарорати Куёш кўрмаганлиги оқибатида минус 200 даражагача совуқ бўлади ва комета Ойга тушганидан сўнг пайдо бўладиган сув буғлари шу «совуқ тузоқлар» юзасига чўкиб қолади, дея тахмин қилишарди олимлар.

САМОЛЁТНИНГ ОҚ ИЗЛАРИ

Кўпинча осмонда учиб кетаётган самолётлар қолдириб кетаётган оқ изларни кўрамай. Улар қандай пайдо бўлади? Аслини олганда, самолётлар ортидаги оқ излар – юқори тропосфера ва пастки стратосферада самолётлар кетидан ҳосил бўладиган сунъий патсимон булутлардир. Тузилишига кўра улар патсимон тўп-тўп булутларга ўхшайди (уларнинг халқаро номланиши Cirrus

tractus дир). Оқ излар кўпроқ табиий патсимон булутлар пайдо бўлиши учун қулай шароитларда ва улар озми-кўпми мавжуд бўлган пайтларда кўзга ташланади. Самолётлар кетидан пайдо бўладиган изларнинг асосий сабабчиси – ёқилги ёниши натижасида атмосферага чиқариб ташланадиган сув буғларидир. Турли хил ёқилгиларнинг ёниши натижасида (улар таркибиде углевод ва во-

дород бўлгани учун) атмосферадаги кислород билан реакцияга киришиш оқибатида анчагина карбонат ангидрид газы ва сув буғи ҳосил бўлади. Чунончи, 1 кг керосин ёниб бўлганича 1,3 кг сув буғи ҳосил бўлади.

Самолёт двигателидан чиққан сув буғининг совиб бориши сув томчилари ёки муз кристаллари ҳосил бўлишига олиб келади – оқ излар таркиби айнан шулардан иборат.

Дам олиш соатларида

Спорт тиббиёти

САЛОМАТЛИКНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ БИОЧИП

Испаниянинг «Sabiobbi» компанияси машқларнинг спортчи организмга таъсирини аниқлаш имконини берувчи биочипни яратди, дея хабар қилади El Periodico испан газетаси. Ускуна спортчилар организмда рўй берадиган муҳим ўзгаришларни таҳлил этувчи ДНК биочипи ҳисобланади.

Биочип организмнинг жисмоний ва метаболик имкониятлари билан боғлиқ 17 та генни бирийўла тадқиқ этади. Ушбу генларнинг спортчи машқлар давомида ҳис этилган оғирлик билан таққослаш ва дастурга зарур тузатишларни киритиш имконини беради, дейилади хабарда. El Periodico таъкидлашча, «ихтиро спортчиларнинг физиологик ва биологик хусусиятларини билиб олиш», бундан ташқари, «жисмоний зўриқни туфайли юзага келадиган юрак ўнг қоринчаси аритмоген дисплазияси оқибатидаги бевақт ўлимнинг олдини олишга ёрдам беради».

Тадқиқот жараёни спортчининг катта иштирокини тақозо этмайди. «Тадқиқ этилувчи қони ёки сўлагидан ДНК молекуласи олинди ва 15 кундан кейин организмнинг аҳоли ҳақидаги тулиқ маълумотга эга бўлинди», - дея қайд этилади хабарда.

Нашрининг даъво қилишича, тадқиқотлардаги хатоллик 0,01 фоизни ташкил этадики, амалда бунинг аҳамияти йўқ. Спортчилар ҳисобот билан бирга ўзларининг жисмоний машқлардаги зўриқишлари бўйича тегишли амалий тавсияларни ҳам олишади.

ПОЙГА ВАҚТИДА СПОРТЧИ ЎЗИНИ ҚАНДАЙ ҲИС ЭТАДИ

Ренне (Франция)даги марказий университет госпитали кардиологлари тадқиқотлари, «Тур де Франс» велопойгалирида қатнашувчи спортчилар юраги оғирлиги ва ҳажми жиҳатидан нормадан 20 дан 40 фоизгача ошиб кетишини кўрсатди, дея хабар қилади Reuter агентлиги. «Тур де Франс» собиқ пойгачилари қатнашган тадқиқотлар натижалари ҳақида доктор Франсуа Карре Европа кардиологлари жамиятида ўтказилган учрашувда гапириб берди.

Тадқиқотчилар «атлет юраги» деб ном-

ланадиган ҳодисани пайқаганларига анча бўлган, дея қайд этади Россиянинг Новости ахборот агентлиги. Велоспорт, югуриш ёки сузишдаги каби узоқ давом этадиган анаэробик зўриқишларга дуч келадиган спортчилар юраги вақт ўтиши билан катталашиб боради. Зеро, бунда юрак бутун организм бўйлаб қони ҳаракатлантиришда кўпроқ ишлашига тўғри келади. Катта ҳажмдаги қони эглаш учун юрак деворлари қалинлашади. Натижада спортчи аъзолари ва мушаклари кўпроқ кислород олиб, оқибатда унинг чидамлилиги ортади.

Франциянинг Бретань вилояти ҳукумати молиялаштираётган доктор Карре тадқиқотлари спортчилар ўз фаолиятларини якунлаганларида уларнинг юраги қай ҳолатда бўлишини аниқлаш имконини беради. «Тур де Франс»нинг тадқиқотда қатнашувчи барча пойгачилари устиде ўтказилган тест натижаларига кўра, кўпқунлик мусобақалар олдиндан барча спортчилар юрак мушаклари ҳажми ва оғирлиги ошганлиги кузатилаган. Француз мутахассисининг тўрт йил давом этган тадқиқотларида етти нафар пойгачи қатнашди. Спортчилар ҳали профессионал фаолиятларини давом эттираётган пайтларидан тадқиқотлар бошланганди. Кейин эса, уларнинг спортдан кейинги ҳаётлари яна уч йил давомида ўрганиб борилди.

Юрак ўлчамларини ва унинг функционал фаолиятини текшириш мақсадида йилгига бир мартаба улар тестдан ўтказиларди. Карре, спортчилар пойгалирида қатнашган тўхтатилганларида сўнг, уларнинг юраклари ўлчами тўртдан бирга қисқарганини аниқлади. Лекин улар айни пайтда ўзларининг жисмоний куч-қувватларини аввалгидай сақлаб қолишарди.

«Баъзи бир спортчилар генетик жиҳатдан бошқалардан яхшироқ мусобақалашшга мойил бўлишади, - дейди олим. - Бироқ, бизнинг тадқиқотларимиз пойгачилар юраклари ҳажми катталашганидан кейингина оғир машқ шароитларига мослаша олганларини кўрсатди». «Тур де Франс» велопойгалари пойгачилар учун энг мураккаб мусобақалар ҳисобланади. Спортчилар уч ҳафта мобайнида қарийб ҳар куни тоғликлардаги тез ўзгарувчан паст-баландлик шароитида юз километрдан ортиқ масофани босиб ўтишади.

«Тур де Франс» пойгачилари дунёда энг чиққан пойгачилар бўлса ажабмас, - дейди «Филадельфия Сиксерс» миллий баскетбол ассоциацияси шифокори ва Америка кардиология коллежи вице-президенти доктор Альфред Бовэ. Доктор Карре тадқиқотлари бизга инсон танаси экстрем-

мал шароитларга қандай мослаша боришини кўрсатиб берди».

СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛАР — ЖАРОҲАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА

«Арсенал» футбол клуби ижрочи директори Иван Газидис, ЖиПиЭС тизимидан фойдаланиш жароҳатлар муаммосини неча йиллаб олдинроқ ҳал этишга ёрдам беради, дея баёнот берди.

«Агар (ўйинчилар жароҳатлари билан боғлиқ) қандайдир муаммоларнинг олдини олишининг иложи бўлса, биз уни албатта амалга оширамеиз. Масалан, биз бу йил илк бор ЖиПиЭС тизимини қўллаймиз. Расман бу фазовий йўлдошларнинг ҳар бир ўйинчи машқлар майдонида қандай ҳаракатланаётганини кузатишдан иборат. Бу тизим кўп маълумотларни беради, ўйинчилар қанчалик кўп ва тез ҳаракат қилишларини, уларнинг қай даражада жадал машқ қилишларини намойиш этади. У, шунингдек, футболчи оёвгага тушадиган «оғирлик» - футболчи югураётган пайтда унинг оёқ қафтлари қанча вақт ерда туришини кузатиш имконини ҳам беради».

«Кейинги ўйинларда футболчилар жароҳатланишининг олдини олиш имкони туғилади, чунки икки кўрсаткич: машқлар пайтда фаолиқ суратларини пасайтириш ва машқ юқини оғирлаштириш масаласи аниқ кўриниб туради. Бошқача қилиб айтганда, футболчи оёқ қафтлари майсига кўпроқ тегиб туради. Аҳволнингизни яхши ҳис этганингизда майдонда гўё учиб юргандай ўзингизни енгил ҳис қиласиз. Бундай бўлмаса - сиз кўпроқ ерда бўласиз. Бу ҳолат спортчилар учун мураккаб вазиятларни олдиндан кўра олиш имконини беради».

«Таассуфки, тизимнинг барча афзалликларидан унумли фойдалана олиш ва нима қилиш кераклигини яхши ўзлаштириб олиш учун ҳар бир футболчининг катта ҳажмдаги видеоёзувларини амалга ошириш керак бўлади - бунинг учун эса вақт лозимдир, зеро, ҳар бир футболчи ўзигагина хос хусусиятларга эга».

«Шундай экан, тизимнинг тўла ишга тушишини бир оз кутиш керак. Ишимизнинг чинакам натижаларини келгуси йилнинг иккинчи ярмида кўрамеиз. Аммо бунинг ўзига хос инвестиция деб ҳисоблаймиз ва шу йўл билан жароҳатлар муаммосини ҳал этиш сари олга силжишга интиламиз», - дея ҳикоясини якунлади Газидис.

Санъат оламида


ШЕКСПИРНИНГ ЯНА БИР ПЬЕСАСИ ТОПИЛДИ

Британиялик олимлар яна бир пьесани буюқ инглиз драматурги Уильям Шекспир қаламига мансуб деб топиди. 300 йил илгари аниқланган «Икки бор ёлгон» деб номланган бу пьеса XVIII асрдан буюқ қалбаки ҳисобланиб келинарди.

Ноттингем университети олимлари ўтказган махсус тадқиқот натижалари бир неча асрлардан бери яшаб келган пьеса муаллифи ҳақидаги шубҳаларни ниҳоят йўққа чиқарди. Маълум бўлишича, ҳар қалай, асар Шекспирга тегишли бўлиб чиқди, лекин у яна бир драматург - Жон Флетчер билан ҳамкорликда ёзилган экан. Шекспир бошқа иккита пьесаси устидеги ишда ҳам шу муаллиф билан ҳамкорлик қилгани маълум. Шунинг учун бунда бирон-бир нотабий нарса йўқ, дея таъкидлашарди олимлар.

«Уша вақтда ёзилган пьесаларнинг камида ярми ҳаммуаллифликда битилган», - дея қайд этди Ноттингем университетидан профессор Брин Хаммонд. У Шекспирнинг «Икки бор ёлгон» пьесаси ҳам киритилган сўнгги асарлар тўпламларидан бирига муҳаррирлик қилган.

Унинг айтишича, «Икки бор ёлгон» 1612 йили Сервантеснинг «Дон Кихот» асари таржимаси босилиб чиққандан кейин кўп ўтмай ёзилганди. 1613 йили эса, ушбу пьеса камида икки марта сахнада намойиш этилганди. XVIII асрда «Икки бор ёлгон»нинг янги постановкасини амалга оширишга уриниш бўлган. Бироқ Шекспир асарига «мослама» сифатида баҳоланган бу пьеса қалбаки деб топилди, афтидан айнан ушундан бери унинг Шекспир қаламига мансублиги инкор этиб келинаётганди.



25 ЙИЛДАН СЎНГ ТОПИШИШДИ

Тугруқхонада адаштирилган бразилиялик гўдақлар 25 йил давомида бегона ота-оналар билан яшаган. Хаттолик 2008 йили очилиб қолди ва шундан кейин икки оила бирга яшай бошлашди. 25 ёшли Димас Алипранди ўзининг тўрт опа-сингилларига ўхшамаслигидан гумонсираб юрарди: у оқ-сарикдан келган, малласоч ва кўзлари мовийранг тусда эди. Опа-сингиллари эса қорамағиз ва кўзлари жигарранг тусли эди.

«Менда немис муҳожирларига хос аломатлар кўзга ташланса, оиладагилар илдизи итальянларга бориб тақаларди», - дея гапириб берган у журналистларга. 14 ёшида Димас телевизорда туғруқхонада адаштирилган болалар ҳақидаги кўрсатувни томоша қилганидан кейин у отасига ДНК-тестдан ўтиш истагини баён қилди.

Уша вақтларда бу амалиёт жуда қиммат бўлиб, оиланинг қурби етмаганди. Шунинг учун ҳам у яна ўн йилдан сўнг ўз пулига ДНК-тестдан ўтди.

2008 йил декабрида ўтказилган тест натижалари унинг гумонларини тасдиқлади ва у олим ва дадам деб юрган кишилари учун қутилмаган ҳол бўлди. Дастлаб улар бунга ишонини ишташмади ҳам, аммо боланинг биологик ота-онасини топипиша ниҳоят кўмаклашишга аҳд қилишди.

Алипранди дунёга келган туғруқхонада унинг гапларига ишонмай, яна қайтадан ДНК-тестдан ўтишни маслаҳат беришди. Иккинчи тест ҳам гўдакини чинакам онасига беришмаганини тасдиқлади. Шундан кейин туғруқхона ходимлари архивни кўтарди, ўша куни яна бир ўғил бола - Элтон Пластер ҳам туғилганини аниқлашди. Алипранди Элтон ўз ота-оналари билан яшаётган қўшни шаҳардаги фермага бориб, биргаликда тестдан ўтишга уни кўндирди.

Ҳақиқатда Элтоннинг биологик ота-онаси Димаснинг ойиси билан дадаси бўлиб чиқди. Димаснинг ўзини эса Элтоннинг ота-онаси тарбиялаб катта қилишганди. Алипрандининг айтишича, ҳар икки оила бундан ваҳимага тушмай, аксинча бирлашишга қарор қилишган. 2009 йили Димас оиласи Пластерлар фермасига қўчиб ўтган ва бир уйда яшай бошлашган. Димас билан Элтон эса бирга ишлашмоқда.

ЛАС-ВЕГАСДА ЯНГИ РОБИН ГУД ПАЙДО БЎЛДИ

Ўз номини яширган Лас-вегаслик бир киши эҳтиёжмандларга 1 миллион доллар пулини тарқатган. Ўзини Робин Гуд деб атаган бу киши қашшоқларга ёрдам учун маблағни казинодаги қимор ўйинлари ҳисобида тўплайди.

Робин Гуд издошининг эътирофи этишича, 40 ёшларга бориб у омадга эришган ва бадавлат ҳаёт кечирмоқда. Унинг ўз самолёти бўлиб, дабдабали отелларнинг люкс хоналарида яшаши мумкин эмиш. Энди у қашшоқликда кун кўраётган америкаликларга ёрдам беришга аҳд қилибди.

Бундай ёрдам кўрсатиш учун номаълум ҳолатбарор ўз веб-сайтини ташкил этган. Кўмак сўровчилар оғир ҳаётлари тарихини акс эттирувчи электрон хат йўллаб, 46 минг доллар атрофида «нафақа» олишлари мумкин.

Ўзини «Робин Гуд 702» деб атаган бу киши (702 - Лас-Вегаснинг пошта индекси), жумладан, Кеглер оиласининг 31 минг доллар қарзини тўлаган. Кеглерлар мия ўсимтаси билан оғирган қизларини даволаш учун бор-йўқларини сарфлаб, қарздор ҳам бўлиб қолишганди.

## Ёз — ўтмоқда соз

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ  
УЛАШИЛМОҚДА

Яккасарой туманидаги 135-мактаб қошидаги «Юлдузча» оромгоҳида 400 нафар ўғил-қизимиз ёзги таътилни мазмунли ўтказмоқда.

Оромгоҳимизда дам олишдан ташқари, турли кўнгилоҳлар тадбирлар уюштирилмоқда. Болажонларнинг она Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш мақсадида «Ўзбек миллий рақслари», «Митти хунарман» кўрик-танловлари, миллий кураш мусобақаларини мунтазам ўтказиб келмоқдамиз.

Бундан ташқари, шаҳри-мизнинг сўлим истироҳат боғларига саёхатлар уюшти-

риш билан бир қаторда уларни Республика ёш томошабинлар театри, Халқаро маданият карвон саройи музейига тез-тез олиб борамиз.

Тарбияланувчилар мактаб кутубхонасидан кенг фойдаланади. Бу ерда уларга Зарифа Юсупова мазмунли суҳбатлар уюштириб, кўмак бермоқда.

Оромгоҳда олиб борилаётган сай-ҳаракатларимиз на-



фақат болажонларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга, балки келажакда яхши касб эгаси бўлишига ҳам кўмаклашиш, билимга чанқоқ, тафаккурини кенг қилишга йўналтирилгандир.

Муборак БҲРИЕВА,  
«Юлдузча» оромгоҳи  
бош тарбиячиси

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Собир Раҳимов тумани бўлими томонидан 146-мактаб қошидаги оромгоҳ болалари учун музейга саёхат уюштирилди.

КАТТА ТААССУРОТ  
ҚОЛДИРДИ

Темурийлар тарихи давлат музейига саёхат қизиқarli ва мазмунли ўтиши учун болажонларга мутахассислар бириктирилди. Кичик саёхатчилар Темурийлар давлати, ўша даврда яшаб ижод қилган алломалар, умуман Соҳибқирон Амир Темур бобокалонимизнинг дунё тарихида қолдирган ўчмас изи ҳақида кенг тасаввурга эга бўлди. Темурийлар даврини ифода этувчи турли экспонат ва нодир буюмлар ўша замон қиёфасини болалар кўз олдида жонлантирди. Бу эса болажонларнинг тарихини ўрганишга бўлган иштиёқини янада оширган бўлса, ажаб эмас.

Ёзги таътилни мароқли ўтказётган ўқувчи-ёшлар ушбу тадбирдан катта таассурот билан қайтди.

Шоҳиста МУҲСИМОВА

## Спорт янгиликлари

НАФИСА —  
ЧЕМПИОНЛИККА  
ДАЪВОГАР

Польшанинг Котова шаҳрида 20 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида ташкиллаштирилган жаҳон чемпионати мусобақаларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган халқаро тоифадаги спорт устаси Нафиса Мўминова жаҳон чемпиони бўлиши мумкин.

Гап шундаки, шу кунгача ўтказилган етти турдан сўнг очколари ҳисобини олтигача етказиб олган Нафиса турнир жадвалида иккинчи ўринда бормоқда. Олтинчи турда поляшлик Мария Гоцинякни, еттинчи турда эса ҳозиргистонлик Гулихон Нахбаевани енга олган Нафиса кейинги учрашувларни ҳам кўтаринки рунда ўтказса, Тошкентга олтин медал билан қайтади. Чунки турнир жадвалининг энг юқори погонасида бораётган словениялик Анна Музичук ҳисобида 6,5 очко бор.

Пойтахтимиз аҳолиси ҳамда ҳудудларини табиий ва техноген хусусиятлари фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Шунинг баробарида аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш, маҳаллалар, мактабгача таълим муассасаси ва мактабларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Яқинда Мирзо Улуғбек туманида ўтказилган ўқув машқи ҳам шундай тадбирларнинг узвий давомидир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбир бошланиши олдидан туман ҳудудидаги фуқаро муҳофазаси хизматлари, корхона-ташкilotлар, тиббиёт, ўқув муассасаларида фуқаро муҳофазасига оид қонунлар талаблари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан мажмуавий текширувлар ҳам амалга оширилди. Унинг натижалари бўйича далолатномалар расмийлаштирилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бошқарма ходимлари томонидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Ўқув машқи «йигин» синали эълон қилиниб, туман ҳокимлиги вакиллари, кор-

рахбарлари ўрганувчи сифатида кенг жалб этилди. Ўқув машқлари давоми-

рини тозалаш, қирғоқларни мустаҳкамлаш, чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш,

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси  
фаолиятдан

## ЎҚУВ МАШҚЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

хона-ташкilotлар раҳбарлари, маҳалла фаоллари ҳардор қилинди ва барча Геодезия ва картография касб-хунар коллежи биносига тўлиқ таркибда йиғилди. Тадбирга туман фавқулодда вазиятлар давлат тизими ҳудудий куйи бўғинлари раҳбарларидан ташқари, халқ таълими бўлими қошидаги мактаблар, мактабгача таълим муассасалари

да муҳофаза хизматлари бошлиқларининг соҳа бўйича билими, турли вазиятлар орқали тўғри қарор қабул қилиши, иқтисодиёт объектларининг фавқулодда вазиятларда барқарор фаолият кўрсатиши, жабрланганларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари кўриб чиқилди. Ҳудудларни ободонлаштириш, ариқ ва каналлар ўзлан-

электр, газ, сув, оқова суви тизимлари бир меъёрда фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида профилактик чора-тадбирларни ўқув машқи давомида олиб борилиши юзасидан вазифалар юкланди.

Иштирокчилар томонидан амалга оширилган ҳаракатлар таҳлил қилингандан сўнг, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш

юзасидан услубий кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда фуқаро муҳофазаси хизматлари куч ва воситаларининг юқори тайёргарлик режимига келтирилганлиги, маълумотларни тўплаш юзасидан амалга оширилган ишлар, фавқулодда вазиятларда ҳаркат қилиш бўйича қабул қилинган қарорлар юзасидан ҳисоботлар тингланди. «Умид» маҳалласи, 325-мактабгача таълим муассасаси ва туман тиббиёт бирлашмаси, 2-болалар жароҳлик касалхонаси, 1-Тошкент иссиқлик маркази ҳудудида биринчи тиббий ёрдам йўналиши бўйича махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди.

Ушбу тадбирларда 3,6 мингга яқин фуқаро, 250 дан зиёд корхона, ташкilot ва муассасалар раҳбарлари иштирок этиб, ўқув машқларида 200 дан ортиқ автотехника воситасидан фойдаланилди.

Азамат СУЮНОВ

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан куйидаги мулклар куйилмоқда:

1. ЖИБ Яккасарой тумани судининг 24.07.2009 йилдаги №1-313 ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Қатортол даҳасидаги автобус бекатида жойлашган 1 хонали, умумий майдони 12 кв.м. бўлган дўкон. Бошланғич баҳоси — 18 100 000 сўм.

2. ЖИБ Тошкент вилояти судининг 13.07.2010 йилдаги №2-073/10 ижро ҳужжати асосан, Хамза тумани, Мўйноқ кўчасида жойлашган, «Шаркли мелиса» МЧЖга тегишли транспорт воситаларини сақлаш майдончасида сақланаётган «Нексия-150» русумли, д/р

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси охири бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

11P9909 бўлган, 2008 йилда и/ч авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 246 441 сўм.


Аукцион савдоси 2010 йил 21 сентябрь кuni соат 11:00да бўлиб ўтади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар 2010 йил 21 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 12 октябрь

куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг [www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz) расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Савдога куйилган мулклар билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгор-

лардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкilotчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банк» Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. [www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz).

МАШРИҚЗАМИН —  
ҲИКМАТ БҲСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

Ҳар кишиким, ҳосил этар  
бу мижоз,  
Сухбатидин қочғил анинг  
юз йиғоч.

\*\*\*

Давлату иззатга сазовор эрур,  
Кимки саховатга

талабгор эрур.

\*\*\*

Ҳосилу сармоясидур  
дарду гам,  
Кимки тамаъ йўлина  
урди қадам.

\*\*\*

Ҳар на ишинг бутмаса  
тоат била,  
Ҳосил ўлур сабру қаноат била.

\*\*\*

Йўлга таваккул била  
ургон қадам,  
Оқибатул амр бўлур муҳтарам.

\*\*\*

Дилкаш эрур боғ хазон  
бўлмаса,  
Сабза қурур оби равон  
бўлмаса.

\*\*\*

Ишқ эрур бошдин-аёқ  
сўзу дард,  
Кимдаки бор, белгусидур  
рўйи зард.

\*\*\*

Кимки, тилар жон била  
дилдорини,  
Ўйнади йўлинда йўку борини.

\*\*\*

Ҳамдами ишқ ўлмади ҳар  
булҳавас,  
Ўтга ёвуқ келса қуяр хору хас.

\*\*\*

Каъбайи мақсуда етар  
тўғри йўл.

\*\*\*

Ул кишидур сарвари  
аҳли қарам,  
Ҳақ йўлида берса риёсиз  
дирам.

(«Маҳобҳорат» достонидан)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



## газеталари таҳририяти

корхона, ташкilot, компания,  
ваколатхоналардан байрам табрикларини  
чоп этиш учун таклифлар қабул қилади.

Тел: 236-55-83, 233-28-95

Факс: 232-11-39

Шу илтинг 25 августигача қабул қилинади

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкilotлари бирлашмаси Кенгаши ва тармоқ қасаба уюшмалари шаҳар ташкilotлари Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкilotлари бирлашмаси Кенгаши ташкilotли ишлар бўлимининг мудирини Нуршод Гиёсовга уқаси

Нусрат ГИЁСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМИЛИГИ

Бош муҳаррир  
Акmal АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табак,  
офсет усулида босилади.  
2765 нуسخа босилади.  
Қоғоз бегили А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5